

ҲАМИД ОЛИМЖОН ШЕЪРИЯТИДА СИНОНИМ СЎЗЛАР

Шадманова Нигора Иргашевна

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация.

Мазкур мақолада ўзбек халқининг атоқли фарзанди – дилбар шоир, талантли драматург, йирик олим ва танқидчи Ҳамид Олимжон ўзидан ўлмас мерос қолдирган. У ўзбек шеъриятида жўшқин лиризмга асосланган шеърият мактабини яратган шоир. Унинг “Офелиянинг ўлими” шеъри - ижодкорнинг тил бирикмалардан ва синонимлардан маҳорат билан фойдаланганлигини хис қилишга, ибрат олишга арзугулик ижод намунаси.

Калит сўзлар: маънос, ғамгин, нафис, алам, беҳад, чуғ, оташ.

KIRISH

Синонимлар – талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси умумий бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, синонимик қаторни ташкил қилади.

Ҳамид Олимжон шеъриятида бир синонимик қатордаги сўзларнинг қўлланиши кўп учрайди, чунки шоир ўз асарларининг тилини таъсирли қилиб беришда тилдаги синонимларнинг имкониятидан кенг фойдаланган. Қуйида “Офелиянинг ўлими” шеърида қўлланган синонимларни таҳлил қиламиз.

Орзуинг бор куйлашга, лекин қалбингдан

Тарқалар бир *маънос* ва *ғамгин* садо.

Қўйнингда бир кучоқ оқ ва нафис гул,

Лекин, руҳинг тўла *мотам* ва *азо*.

Ҳусн балосига ким этди дучор?

Ҳолбуки, бусиз ҳам қанчалар *алам*,

Ҳолбуки, бусиз ҳам қизнинг бошида

Сўнгсиз *мушибатлар*, дунё-дунё *ғам*.

Жавоб бериб кўрчи, номард табиат,
Бунчалик гўзални нечун яратдинг?!
Ўзинг *гуноҳкорсан*, осийсан *беҳад*,
Нечун яратдингу ўтларга отдинг?

Ҳамлет севар эди, унинг қалбини,
Гўёки икки *чўғ*, иккита *оташ*
Бўлиб ёндиради кўзинг тун-куни,
У ҳам қилмас эди, бу оташга ҳам.

Жаннат, *фаришталар*, *тоза малаклар*,
Бир пулдир энг маъсум ва энг *пок* ўпиш,...

Биз келтирган бандларда шоир *маъюс-гамгин*, *мотам-азо (аза)*, *гуноҳкор-осий*, *чўғ-оташ*, *гам-алам-мусибат*, *фаришта-малак*, *тоза-пок* синонимларидан ўринсиз такрорга йўл қўймаслик, шеър ранг-баранглигини таъминлаш, нозик маъноларни бериш, таъсирчанликни ошириш учун фойдаланган.

Ҳамид Олимжон синонимлардан тўлиқ қофиялар яратиш ва мисраларнинг вазн ўлчовини тўла қилиб беришда фойдаланганидек, улардан асар мазмунини кучайтириш, асар тилининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ҳам фойдаланади:

Ишқий туғёнларга қайнаб юракдан
Чиқолмас бир *товуш*, бир *сазо*, бир *ун*,
Этмишдир ердаги оддий азоблар
Аллақачонларким Ҳамлетни мажнун.

Бир мисрага тизилган *товуш-сазо-ун* синонимик қатори Ҳамлетнинг руҳий аҳволини янада таъсирли кўрсатиш учун хизмат қилади.

Ҳамид Олимжон кўп ҳолларда бир-бирлари билан маънодош бўлмаган сўзларни ҳам асарнинг умумий руҳига ва контекст талабларига қараб синоним сўзларга айлантириб юборади.

Нега керак эди шу *чирой*, шу ўт.

Шу ёниқ юлдузни кўзга яширмақ?

Шоир Офелиянинг чиройини бўрттириш учун *чирой* сўзи билан қаноатланмай, *ўт* сўзини шартли синоним қилиб танлайди.

Ҳамид Олимжон ўз ижодтётида турли хил бадий тасвирий воситалардан моҳирона фойдаланиш билан бирга, вазн ўлчовини сақлаш ва тўлиқ қофиялаштиришда ва уларнинг ўлчовини тенглаштиришда ҳам сўз санъаткорларига хос иш тутади. Тўлиқ қофиялашга эришиш учун *сазо* сўзига қофиядош қилиб *мотам* сўзининг маънодоши аза сўзини поэтик талаб билан азо шаклида қўллайди. Бу икки маънодош сўзнинг бир мисрада келтирилиши маънони кучайтириш ва таъсирли қилиш билан бирга, шеър тилининг ширали жозибадор таъсирчан ва асосийси, жарангдор ҳамда мусиқий бўлишини таъминлаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов Н. Ҳамид Олимжон., Шоир ҳаёти ва ижодидан лавҳалар, Т.:1985.
2. Мамажонов С. Теранлик, Т.:1987.